

МОБИЛ ҚУРИЛМАЛАРНИ СУҒУРТАЛАШ ҚОИДАЛАРИ

1-БЎЛИМ. УМУМИЙ ШАРТЛАР

1.1. Ушбу Мобил қурилмаларни суғурталаш қоидалари (кейинги ўринларда “Қоидалар” деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги суғурта соҳасини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига ҳамда умумий суғуртанинг 8 ва 9 класслари асосида ишлаб чиқилган бўлиб мобил қурилмаларни жисмоний шикастланишдан суғурта қилишнинг асосий шартларини белгилайди.

1.2. Мазкур Қоидалар асосида “Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси АЖ (кейинги ўринларда “Жамият” деб юритилади) мобил қурилмаларни суғурталаш шартномасини тузади, унга кўра суғурта шартномасининг амал қилиш муддати давомида Суғурта қилдирувчига мобил қурилманинг жисмоний шикастланиши натижасида етказилган зарарни қоплайди. Суғурта шартномаси Суғурта қилдирувчига унинг оғзаки аризаси асосида жамият томонидан имзоланган, суғурта шартларини ўз ичига олган суғурта полисини топшириш орқали тузилиши мумкин. Бунда Суғурта қилдирувчининг Жамият томонидан таклиф қилинган шартлар бўйича шартнома тузишга розилиги суғурта мукофотининг тўланганлиги ва Жамиятдан суғурта полисини қабул қилиб олиши билан тасдиқланади.

1.3. Ушбу Қоидаларда фойдаланиладиган асосий атамалар:

Суғурта қилдирувчи – Жамият билан суғурта шартномасини тузувчи ва мобил қурилмалардан фойдаланувчи жисмоний ёки юридик шахс.

Суғурта полиси - суғурта шартномаси тузилганлиги ва Компаниянинг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи ва суғурта мукофоти тўланганидан кейин Суғурта қилдирувчига бериладиган ҳужжат.

Суғурта суммаси - суғурта полисида назарда тутилган пул суммаси бўлиб, Жамиятнинг Суғурта қилдирувчи олдидаги мажбуриятларининг максимал чегараси.

Суғурта мукофоти - Суғурта қилдирувчи Жамиятга тўлаши шарт бўлган суғурта тўлови.

Суғурта товони - суғурта полисида кўрсатилган суғурта ҳодисаси юз берганда етказилган зарарни қоплаш учун суғурта суммаси доирасида Жамият томонидан Суғурта қилдирувчига тўланадиган пул маблағлари.

Суғурта ҳодисаси - ушбу Қоидаларнинг 3 - бўлимида назарда тутилган ҳодисалар бўлиб, унинг натижасида Жамият суғурта суммаси доирасида суғурта товонини тўлайди.

Суғурта даври - суғурта полисида кўрсатилган, компания суғурта ҳимоясини тақдим этадиган вақт.

Мобил қурилмалар – сотиб олинганга 1 (бир) ой вақтдан ошмаганлигини тасдиқловчи ҳужжати бўлган, олдин фойдаланишда бўлмаган, идентификация ва (ёки) серия рақамларига эга бўлган ва суғурталаш вақтида ҳеч қандай зарар етмаган мобил телефон (смартфон), ақлли (смарт) соат, планшет ҳамда ноутбук (laptop) каби технологик қурилмалар.

IMEI - (инг. International Mobile Equipment Identity — Халқаро мобил қурилма идентификацияси) мобил тармоқдаги қурилмани идентификациялаш учун уникал рақам ҳисобланади. Мобил қурилмаларнинг шаклига қараб идентификация ва (ёки) серия рақамлари турли кўринишда бўлиши мумкин.

2-БЎЛИМ. СУҒУРТА ОБЪЕКТИ

2.1. Суғурта объекти бўлиб Суғурта қилдирувчининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган мобил қурилмалардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган мулкый манфаатлари ҳисобланади.

3-БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

Мазкур Қоидаларнинг шартларига кўра, суғурта ҳодисаси бўлиб суғурта полисининг амал қилиш даврида суғурта полисида келтирилган суғурталанган мобил қурилмаларнинг жисмоний шикастланиши ёки тўлиқ йўқ бўлиши натижасида

фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиши ҳисобланади, ушбу Қоидаларнинг 4-бўлимида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

4-БЎЛИМ. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР

4.1. Тўғридан-тўғри ёки билвосита содир бўлган қуйидаги ҳодисалар:

а) Суғурталанган шахснинг суғурта ҳодисаси рўй бериш мақсадида содир этган қасддан ҳаракатлари ва (ёки) ҳаракатсизлиги, учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш учун фуқаролик бурчини бажариш бундан мустасно;

б) суғурта муддатидан ташқари, яъни Жамиятнинг суғурта бўйича ўз мажбуриятлари кучга киргунга қадар ва унинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин содир бўлган ҳодисалар бўйича ҳеч қандай мажбуриятларни ўз зиммасига олмайди.

4.2. Автоном ишлаш имкониятига эга бўлмаган қўшимча қурилмалар, симлар, кабеллар, зарядловчи мосламалар, веб-камералар, қўшимча батареялар, наушниклар, алоҳида микрофонлар, алоҳида динамиклар, ниқоблар, корпуслар, экрандаги стикерлар, сумкалар ва бошқа шу каби жихозлар суғурта объекти бўлиб ҳисобланмайди.

4.3. Дастурий таъминот, иловалар, файллар, фотосуратлар, контактлар ва қурилмадаги маълумотлар билан боғлиқ ҳолатлар.

4.4. Ушбу Қоидалар қуйидаги ҳодисалар натижасида етказилган зарарни қопламайди:

а) атом портлаши, радиация ва радиоактив ифлосланишнинг таъсири;

б) ҳарбий ҳаракатлар, манёврлар ва бошқа ҳарбий ҳужум, ҳарбий юришлар ёки фуқаролар уруши (уруш эълон қилинган ёки эълон қилинмаганлигидан қатъи назар), халқ ғалаёнлари, қўзғолонлар, иш ташлашлар ва рухсат этилмаган йиғилишлар;

в) бирор шахс ёки бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган ҳар қандай террористик ҳаракатлар;

4.5. Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам суғурта товонини тўлашдан озод қилинади.

4.6. Компания қуйидаги ҳолларда суғурта ҳодисасини тан олмаслиги ёки етказилган зарар учун суғурта товонини тўлашдан бош тортиши мумкин:

а) суғуртага олинган қурилма унутиб қолдирилган, йўқолган ёки ўғирланган тақдирда;

б) агар суғурта ҳодисаси содир бўлганидан кейин суғурта қилдирувчи компанияни суғурта ҳодисаси юз берганлиги тўғрисида ушбу Қоидаларнинг 8.1 - бандида белгиланган тартибда ва муддатларда хабардор қилмаган бўлса;

в) агар суғурталанган шахс етказилган зарар учун жавобгар шахсдан товон олган бўлса;

д) ушбу Қоидаларда ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

4.7. Агар Суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси юз берганлиги тўғрисида нотўғри маълумот берган бўлса, Компания суғурта товонини тўлаш мажбуриятидан озод қилинади.

5-БЎЛИМ. СУҒУРТА СУММАСИ, СУҒУРТА МУКОФОТИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

5.1. Суғурта суммаси мобил қурилманинг ҳақиқий қийматининг ____ (_____) фоизини ташкил этади.

5.2. Суғурта мукофотининг миқдори суғурта суммасининг ____ (_____) фоизини ташкил қилади.

5.3. Суғурта мукофотини тўлаш Суғурта қилдирувчи томонидан компаниянинг банк ҳисоб рақамига пластик карта орқали ёки нақд пул маблағларини ўтказиш шаклида амалга оширилади.

5.4. Суғурта мукофоти ушбу Қоидаларда белгиланган тартибда ва муддатларда тўланиши керак.

5.5. Суғурта полиси суғурта мукофоти тўланганидан кейин ўша пайтнинг ўзида берилади.

6-БЎЛИМ. СУЎРТА ДАВРИ

6.1. Суғурта муддати бир йил муддатга тузилади ва суғурта полисининг бошланиш муддати полис берилган кундан 3 (уч) кундан кейин бошланади.

6.2. Жамиятнинг мажбуриятлари суғурта полисида кўрсатилган муддатлар давомида амал қилади ҳамда полисининг амал қилиш муддати полисда кўрсатилган охириги сананинг 23:59 соатида тугайди.

7-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1 Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:

7.1.1. Суғуртанинг амал қилиш муддати давомида компаниядан ушбу Қоидалар бўйича маслаҳат олиш;

7.1.2. Суғурта полиси йўқолган тақдирда унинг дубликати олиш;

7.2 Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

7.2.1. ушбу қоидаларда назарда тутилган тартибда ва муддатларда суғурта мукофотини тўлаш;

7.2.2. ушбу қоидаларнинг 8.1-бандига мувофиқ компанияни воқеа тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш;

7.2.3. шикастланган мобил қурилмалари кўрикдан ўтказиш учун Жамиятга тақдим этиш ва Жамиятнинг олдиндан розилигисиз таъмирлаш ишларини бошламаслик;

7.2.4. суғурталашга олинган мобил қурилмаларнинг эгаси келгусидаги зарарни олдини олиш чораларини кўриши керак;

7.2.5. суғурта объекти ўз мақсади бўйича ва ишлаб чиқарувчининг кўрсатмаларига мувофиқ фойдаланилиши керак.

7.3 Жамиятнинг ҳуқуқлари:

7.3.1. суғурта ҳодисаси юз берганда, Суғурта ҳодисаси содир бўлишига сабаб бўлган ҳолатларни текшириш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни Суғурта қилдирувчидан талаб қилиш;

7.3.2. Суғурта қилдирувчи томонидан ушбу Қоидаларда белгиланган мажбуриятлар бажарилмаган, етарли даражада бажарилмаган ёки бажаришдан бош тортган тақдирда, суғурта товонини тўлашдан бош тортиш;

7.3.3. Суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси билан боғлиқ маълумот ва/ёки ҳужжатларни Компаниядан сўров олгандан кейин 5 (беш) календарь кун ичида унга тақдим қилмаса, суғурта даъвосини кўриб чиқишни тўхтатиб туриш ва суғурта товонини тўлашни рад этиш.

7.4. Жамиятнинг мажбуриятлари:

7.4.1. ушбу Қоидаларда белгиланган муддатларда суғурта полисини бериш;

7.4.2. барча зарур ҳужжатларни олгандан ва содир бўлган воқеа суғурта ҳодисаси деб эътироф этилганидан кейин Суғурта қилдирувчига ушбу Қоидаларда белгиланган миқдор ва муддатларда суғурта товонини тўлаш;

7.4.3. Суғуртанинг амал қилиш муддати давомида ушбу Қоидалар бўйича Суғурта қилдирувчига маслаҳат бериш ;

7.4.4. Суғурта полисининг амал қилиш муддати давомида суғурта қилдирувчидан олинган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилиш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Жамият ваколатли давлат органларига ахборот тақдим этишга мажбур бўлган ҳоллар бундан мустасно.

8-БЎЛИМ. ДАЪВОНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

8.1 Ушбу Қоидаларда кўзда тутилган суғурталанган мобил қурилмалар билан суғурта ҳодисаси юз берганда, Суғурта қилдирувчи:

а) зарарни сезган пайтдан бошлаб, уни камайтиришга қаратилган барча мумкин бўлган чораларни кўриши керак;

б) зарар ҳақида 5 (беш) календар кунидан кечиктирмаган холда ёзма ариза тақдим этиш;

в) Жамиятнинг ёзма розилигисиз таъмирлаш ишларини бошламаслик.

Ушбу талабларга риоя қилмаслик воқеани суғурта ҳодисасини деб тан олмаслик ва суғурта товонини тўлашдан бош тортиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

8.2 Суғурта товони тўлаш тўғрисидаги ариза билан бир қаторда Суғурта қилдирувчи қуйидагиларга мажбурдир:

а) қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

–суғурта полисининг асли ёки электрон шакли;

–суғурта ҳодисасини кўриб чиқиш учун ариза (полисга илова);

–шахсни тасдиқловчи ҳужжат;

–мобил қурилмага эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (мобил қурилма паспорти);

–суғурталанган мобил қурилмага жисмоний шикастланишнинг фотосурати.

б) шикастланган мобил қурилмани кўрсатиш.

8.3. Воқеа билан боғлиқ барча маълумотлар ва ҳужжатларни ўрганиб чиққандан сўнг, Жамият ҳодисани суғурта ҳодисаси деб тан олиш ёки тан олмаслик тўғрисида қарор қабул қилади. Аризани кўриб чиқиш муддати суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги сўровдан кейин 15 (ўн беш) кун. Агар Суғурталанган шахс 8.2 - бандда кўрсатилган барча зарур ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этмаса, Жамият аризани кўриб чиқишни улар тақдим этилгунга қадар кечиктиришга ҳақли.

8.4. Агар содир бўлган воқеа суғурта ҳодисаси деб тан олинмаса, Компаниянинг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори барча ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин 15 (ўн беш) кундан кечиктирмай Суғурта қилдирувчига хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши шарт.

8.5. Жамият томонидан суғурта ҳодисаси тан олингандан сўнг, томонлар суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома тузадилар ва имзолайдилар, унда тўланиши керак бўлган суғурта товонининг миқдори белгиланади.

8.6. Суғурта қилдирувчи Жамиятнинг суғурта товонини тўлашни рад этишига рози бўлмаган тақдирда, у Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ судга мурожаат қилишга ҳақли.

9-БЎЛИМ. СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МИҚДОРИ

9.1. Суғурта товони Суғурта полисида кўрсатилган суғурта суммаси чегарасида тўланади.

9.2. Суғурта товони суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома томонларга имзоланган кундан эътиборан 15 (ўн беш) кун ичида суғурта қилдирувчининг банк ҳисоб рақамига маблағ ўтказиш йўли билан тўланади.

9.3. Суғурта товонини тўлаш санаси Жамиятнинг банк ҳисобварағидан маблағлар ечиб олинган кун ҳисобланади.

10-БЎЛИМ. СУҒУРТА ПОЛИСИ МУДДАТИНИНГ ТУГАШИ

10.1. Суғурта полиси қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

10.1.1. Унинг амал қилиш муддати тугаганда;

10.1.2. Жамият томонидан Суғурта бўйича мажбуриятларни тўлиқ бажарилганда (суғурта суммаси миқдорида суғурта товонини тўланганда);

10.1.3. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият тугатилганда;

10.1.4. Суғурта полиси суд қарори билан ҳақиқий эмас деб топилганда;

10.1.5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

10.2. Суғурталовчи томонидан Суғурта муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, суғурта мукофоти қайтарилмайди.

11-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

11.1. Томонлар ушбу Қоидаларга мувофиқ ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

11.2. Енгиб бўлмайдиган (форс-мажор) ҳолатлар юзага келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилинади. Енгиб бўлмайдиган ҳолатга тушиб қолган томон бошқа томонни юқоридаги ҳолатларнинг юзага келиши ва уларнинг мумкин бўлган муддати тўғрисида хабардор қилиши шарт.

11.3. Агар суғурта қилдирувчи томонидан суғурта ҳодисаси юзага келиши эҳтимоли тўғрисида жиддий фактлар тўғрисида қасддан нотўғри маълумот берилганлиги аниқланса, Компания берилган полисни ҳақиқий эмас деб топишга ва бундай ҳуқуқбузарликлар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ белгиланган чораларни қўллашни талаб қилишга ҳақли.

12-БЎЛИМ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

12.1. Ушбу Қоидалар юзасидан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Баҳсли масалаларни ҳал этишнинг иложи бўлмаган ҳолларда, улар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судда кўриб чиқирилиши керак.

12.2. Томонлар келишувга эриша олмаган ҳолларда тарафлар ўртасида юзага келган низо судланувчининг рўйхатдан ўтган жойидаги фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан ҳал қилинади.

12.3. Ушбу Қоидаларда акс эттирилмаган бошқа шартлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.